



**Абдумурод КЎЧИБОЕВ**

доцент

педагогика фанлари номзоди

Самарқанд давлат чет тиллар институти

### **ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ИНСОННИНГ ШАХСИЙ СИФАТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Мақолада француз ва ўзбек тилларидаги “қўл” компонентли соматик фразеологизмлар қиёсий-солиштирма аспектда эквивалентлик, имплицит ифодаланган ахборот, номинация, миллий ўзига хосликни ифодаловчи лисоний универсалиялар нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган, улар ўртасидаги умумийлик ҳамда улар семантикасидаги ўхшаш ва фарқли белгилар аниқланган.

В статье изучены соматические фразеологические единицы французского и узбекского языков в сравнительно-сопоставительном аспекте в плане эквивалентности, способов выражения имплицитной информации со значением национальной специфики, межъязыковых универсалий и определения тождества и различий в их семантической структуре.

The article investigates somatic phraseological units of French and Uzbek languages in comparative aspects in the plan of equivalents, implicit information expressing national specific, interlingual universalisms, differences and similarities of semantic structure.

**Калит сўзлар:** соматик фразеологизм, когнитив ёндашув, когниция механизми, кинестетик ва тактил қайтарма алоқа, эксплицит ва имплицит ахборот, лисоний универсалиялар, салбий ёки ижобий баҳоловчи муносабатлар.

**Ключевые слова:** соматические фразеологизмы, когнитивный подход, механизм когниции, кинестетические и тактильные обратные связи, эксплицитная и имплицитная информация, языковые универсалии, положительные и отрицательные оценки.

**Key words:** somatic phraseologisms, cognitive approach, mechanism of cognition, kinesthetic and tactic backward relationships, explicit and implicit information, language universalisms, positive and negative marks.

Инсон танаси аъзоларининг номини ифодаловчи сўзлар дунёдаги энг кўп фразеологик бирликлар ясайдиган тил бирликларидир. Француз ва ўзбек тилларида инсоннинг шахсий сифатлари *le bras – қўл, la tête – бош, l'oeil – кўз, la bouche – оғиз, la dent – тиш, le levre – лаб, le nez – бурун, l'oreille – қулоқ* компонентли соматик фразеологизмларда ўз аксини топган. Соматик лексиканинг когнитив ёндашув асосида ўрганилиши когниция механизмини атрофлича ўрганишга кенг имкониятлар очиб беради. Бундай соматик фразеологизмларни умумий икки категорияга бўлиб ўрганиш мумкин, ва уларнинг ҳар бири яна кичик категорияларга бўлинади:

1) инсоннинг шахсий сифатларини характерловчи категорияга кирувчи СФБлар: инсоннинг жисмоний параметрларини характерловчи ҳамда ташқи кўринишига кўра характерловчи субкатегориялар;

2) инсоннинг ҳулқ-атвориغا оид турли қилиқлари, нутқий, иродавий, интеллектуал ҳаракатларини ифодаловчи категория.

Инсоннинг иш-ҳаракати ва турлича муносабатларини характерлашда энг кўп қўлланиладиган СФБлардан бири *Lebras (lamain) – (қўл)* компонентли лисоний қатламдир. Я. Рецкер таҳрири остида нашр қилинган “Французча-русча фразеологик луғат”дан (“Французско-русский фразеологический словарь”, 1963) ёппасига танлаш асосида ***Lebras*** компонентли 65та, *lamain* компонентли 94та – жами 159та соматик фразеологик бирликлар ажратиб олинди. Куйида ўзбек тилига муқобиллиги нуқтаи назардан айрим фарқларга эга бўлган фразеологик бирликлардан энг муҳимларини танлаб, таҳлил қиламиз.

Инсон танасидаги кўздан ташқари, бирорта тана аъзоси оламни идрок қилишда ва бу орқали турли ҳаракатларни бажаришда *қўл* соматик бирлигидек фаол қатнашмайди

Демак, *қўл* компонентли СФБлар инсоннинг оламни идрок қилишида, барча ташқи ва ички фаоллигини акс эттиришда, кўплаб функцияларни бажаришда фаол иштирок этади. *Қўл* компонентли СФБлар шунингдек, ташқи муҳит билан муносабатга киришувдаги энг фаол тана аъзосидир(1, 22). *Қўл* инсоннинг кинестетик ва тактил қайтарма алоқалар ўрнатиш воситаси сифатида ташқи оламни ҳиссий идрок қилинишининг шаклланишида ҳам муҳим рол ўйнайди ва ундан катта миқдордаги ахборотни қабул қилишда иштирок этади(3, 272).

Луғат дефиницияларида француз тилидаги *lebras (lamain)* соматизми турли иш-ҳаракатларни, ҳолатларни номинациялаштирувчи процессуал жараёни ифодаловчи соматик фразеологизмларни ҳосил қилиши таъкидланади. Масалан: от+сифат ва от+от+сифат компонентли СФБлар

семантикаси биринчи навбатда, француз тилидаги эксплицит ва имплицит ахборот узатиши билан фарқланадилар(4, 311). Масалан: *Le sbrascroisés* – қўл қовуштириб ўтирмақ; бекор ўтирмақ; *la grèvedesbrascroisés* – италянча иш ташлаш.

Биринчи фразеологик бирликни осонгина тушуниш мумкин, иккинчиси эса миллий ўзига хос маънони ифодалаши боис, италянлар қўлларини қовуштириб ўтирганлари ҳолда иш ташлашлари ҳақидаги когнитив-имплицит ахборотни ифодаламоқда. Бундай фразеологизмлар таржимада изоҳланишни талаб қилади.

1. Француз тилидаги *à boutdebras* – қўл учида; *à brasouvert(s)* – қучоқ очиб каби предлогли СФБлар ҳар икки тилда ўз муқобилларига эга ва таржимада қийинчилик туғдирмайди.

2. Французча *lebras* компонентли СФБлар кўп ҳолларда *avoir, être, faire* феъллари билан бирикиб, иш-ҳаракатни номинация қилувчи СФлар ясайди ва ўзбек тилига таржимада бошқа лексик бирликлар орқали экспликация заруратини туғдирадиган метафорик маънолар ҳосил қилади:

*avoir des aiguilles dans le bras* – қўли увишиб қолмоқ;

*avoir le bras long* – катта обрўга, таъсирга эга бўлмоқ;

*avoir cent bras* – ўта фаол бўлмоқ;

*avoir le bras d'or* – моҳир уста, қўли олтин киши;

*être le bras droit de qn* – кимнингдир ўнг қўли бўлмоқ;

*faire les beaux bras* – ўзини ўта катта тутмоқ;

*tomber à bras raccourci(s)* – кимгадир мушт кўтариб, ташланмоқ;

*s'appuyer sur le bras de qn* – кимнингдир қўллаб-қуватлашига эришмоқ;

*jeter la pierre et cacher le bras* – кимгадир зимдан тош отмоқ, тухмат қилиб айбламоқ;

*lier les bras à qn* – кимнингдир оёқ-қўлини боғлаб ташламоқ, ўта банд қилиб ташламоқ;

*mesurer à la longueur de son bras* – ўз қаричи билан ўлчамоқ;

*vivre de ses bras* – ўз меҳнати эвазига кун кўрмоқ.

3. Сифат компонентли *gros comme le bras* – тантанали равишда каби СФБлар иш-ҳаракатни номинация қилишда нафақат қўл соматизмининг ўзи, балки унинг алоҳида қисми *la main* – панжа ҳам иштирок этади. Бунда шахсининг объектга салбий ёки ижобий баҳоловчи муносабатлари, ижтимоий мавқеи, ташқи кўриниши, фазилатлари номинция қилинади(2, 367). Бундай номинцияда инсоннинг жисмоний ҳолати, иш ҳаракатнинг бажарилиш тарзи, фаолият турлари ифодаланади ва бундай фразеологизмларнинг катта қисмини феъл компонентли СФ ташкил қилади. Бундай СФлардаги

имплицит маъно миллий калоритга эга ва кўпинча экспликацияни талаб қилади.

Феъл+от+сифат компонентли СФБларни мисоллар орқали кузатайлик:

*avoir la main haute sur* – қаттиққўл, қаҳри қаттиқ раҳбар;

*avoir la main libre* – ёзуви енгил, эркин;

*avoir la main nettes* – чин қалбдан, самимий гапирмоқ;

*avoir la main agile* – қўли енгил бўлмоқ;

*avoir des mains de beurre* – қўли қовушмаслик;

*avoir la main croche* – хасислик қилмоқ;

*avoir la main crochie* – қўли эгри бўлмоқ;

*avoir la main ferme* – ҳукмрон характерга эга бўлмоқ;

*avoir la main large* – ҳотамтой, сахий бўлмоқ;

*avoir la main lourde* – қўли оғир бўлмоқ, ҳукмдор раҳбар;

*avoir la parole à la main* – тили бурро бўлмоқ, гап десанг қоп-қоп...;

*avoir la poignée de la main franche* – очикчасига гапирмоқ;

*accorder la main de qn.* – никоҳга розилик бермоқ;

*approver des deux mains* – қизгин қўллаб-қувватламоқ;

*craquer dans les mains à qn* – сўзида турмаслик, ваъдасининг устидан чиқмаслик;

*donner les mains* – енгилмоқ, рақибига тан бермоқ;

*donner la bonne main* – чой чақа бермоқ;

*faire main basse sur* – бераҳмлик қилмоқ,

*être aux mains* – муштлашмоқ;

*faire la belle main* – ўзини димоғдор тутмоқ;

*faire la main (lever une main)* – пора олмоқ;

*faire des pieds et des mains* – жон-жаҳди билан уринмоқ;

*lever la main* – қасам ичмоқ, қасамёд қилмоқ;

*manqué dans la main* – қулоқ солмаслик, бўйсунмаслик;

*mettre la main au bon endroit* – нақ нишонга урмоқ;

*mettre la main à la rauche* – сарф-харажат қилмоқ;

*mettre la main sur son coeur* – қўлини кўксига қўйиб, чин қалбдан самимий гапирмоқ;

*perdre sa main* – уқуви келмаслик;

*vivre la canne à la main* – бекорхўжалик қилмоқ, тараллабеодод яшамоқ.

От+сифат компонентли соматик фразеологик бирликлардаги имплицитлик сифатларнинг метафорик қўлланиши билан изоҳланади ва уларни тушуниш қийинчилик туғдирмайди:

*la main blanche* – оппоқ, гамхўр, меҳрибон қўл;

*les mains nettes* – соф виждон билан;  
*à main de fer* – темир қўл, бақувват, кучли қўл;  
*les gens de haute main* – зolim ҳукмдорлар (француз буржуа революцияси даврида Конвент аъзоларини шундай аташган);  
*un homme de main* – воситачи, доллол;  
*huile de main* – пул,(қўлнинг кири) маблаг.

Ушбу категорияга кирувчи айрим СФлар миллий характерга ҳам эга эканлиги боис уларни изоҳлашга зарурат бор:

*mariage de la main gauche* – ноқонуний никоҳ. (Бундай никоҳ пайти француз куввлари келини чап қўли билан қўлтиқлаган);  
*les nouvelles à la main* – аниқ манбадан олинган янгилик;  
*l'argent à la main* – нақд пул билан ҳисоб-китоб.

Бу категорияга кирувчи айрим фразеологизмлар умумбашарий ФБ сифатида ўзбек тилида турли коммуникатив вазиятларда қўлланиладиган бир неча муқобилига эга: *une main lave l'autre* – қўл-қўлни ювади;

*сендан угина, мендан бугина; бой бойга боқар, сув сойга оқар, жон куйдирмасанг, жонона қайда.*

Сифат+*la main* компонентли СФБлар от компонент метафорик маънога эга:

*une bonne main* – чиройли ёзув;  
*une mauvaise main* – хунук ёзув;  
*la seconde main* – воситачи, даллол;  
*haute à la main* – мағрур, гердайган, калондимоғ;  
*ni comme la main* – қип ялонғоч;  
*plat comme la main* – кафтдек тең-текис.

Предлог+*la main* компонентли СФБларда семантик маъно бутунлигича имплицит ифодаланган ва ўзбек тилига ўгиришда изоҳ талаб қилади:

*de la main gauche* – ноқонуний никоҳ;  
*en mauvaise mains* – ўқувсиз қўл билан;  
*sous main* – яширинча, ҳеч кимга билдирмасдан;  
*de la main à la main* – воситачисиз қўлдан-қўлга ўтказмоқ;  
*s'en laver les mains* – ихлоси қайтмоқ, қўлини ювиб, қўлтигига артмоқ.

Мисоллардан қўл компонентли соматик фразеологизмларининг ўзбек тилига ўгиришда асосий соматик компонент қўл ўзбекча вариантда фразеологизм таркибида умуман қўлланилмаслиги ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай лексик фарқлар аслият ва ўзбек тилидаги миллий-маданий ва когнитив ўзига хосликлар билан изоҳланади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Алеева Г. Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, характеризующих внешность человека, в английском и турецком языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1999. – 22 с.
2. Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка / Ю. Д. Апресян. – М.: Наука, 1974. – 367 с.
3. Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, семантически ориентированных на человека, в английском и русском языках и вопросы создания русско-английского фразеологического словаря: Дисс. докт. филол. наук. – Казань, 1993. – 476 с.
4. Гак В. Г. Язык как форма самовыражения народа // Язык как средство трансляции культуры. – М.: Наука, 2000. – 311 с.